

Машиарипов Шавкат Худайбергенович
“Жиноят қонунчилигини қўлаш назарияси ва амалиёти”
ихтисослиги 2-курс магистранти
Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Ўзбекистон Республикаси, Нукус.

**ЖИНОЯТ ҚОНУНИДА АЙБНИНГ ЭҲТИЁТСИЗЛИК ШАКЛИ
ТУШИНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация: Бу мақолада жиноят қонунинда айбнинг эҳтиётсизлик шакли, унинг турларига оид тушунчалар, улар учун жавобгарлик ва жазо тайинлаш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Жиноят, жиноят кодекси, жиноят қонунининг вазифаси, жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқий эҳтиётсизлик, жиноий лоқайдлик.

Masharipov Shavkat Xudaybergenovich
Graduate2 course in the specialty
"Theory and practice of the application of criminal law"
Karakalpak State University named after Berdakh
Republic of Uzbekistan, Nukus

**IN THE CRIMINAL LAW, THE FORM OF EXTINCTION OF
GUILT IS UNDERSTOOD AND ITS SPECIFIC FEATURES**

Abstract: In this article, a legal framework has been analyzed in the criminal law on the form of extinction of crime, its types of understandings, the issues of responsibility and the appointment of punishment for them.

Keywords Crime, Criminal Code, the task of the criminal law, criminal law, legal extinction, criminal indictment.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига айбнинг эҳтиётсизлик шаклига оид айрим масалаларни ислохотлар талаби даражасида тартибга солинган деб бўлмади, унда айбнинг мазкур шаклига оид умумий қоидалар белгиланган, холос. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли, унинг турларига оид тушунчалар, улар учун жавобгарлик ва жазо

тайинлаш масалалари жиноят қонунида етарли даражада ёритилмаган. Бу эса айбнинг мазкур шаклини аниқлаш ва баҳолаш жараёнида субъектив муносабатни ёки қонун нормаларини турлича қўллаш ёки талқин қилишни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай ҳолат адолат ғояси ва одиллик принципи бузилишига олиб келади. Гарчи, тергов-суд амалиёти ушбу соҳада қонунда мавжуд бўшлиқни тўлдириб турган бўлса-да, бу ўрганилаётган масаланинг тўғри ҳал қилиниши амалиёт ходимларининг билим савияси ва тажрибаси билан боғлиқлиги сабабли масалага бир хил ёндашув таъминлапти деб бўлмайди. Бинобарин, мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат, унда қонуннинг устуворлиги таъминланиши шартлиги шароитида жиноят қонунининг вазифасини ҳар доим ҳам бир хил бўлмаган тергов-суд амалиёти орқали бажариш мумкинлигига қўшилиб бўлмайди.

Шу боис, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноий қилмишнинг руҳий жиҳатдан амалга ошириш механизмлари ҳар хил бўлса-да, айб жиноят ҳуқуқи назариясида содир этилган қилмишга нисбатан руҳий муносабат сифатида шахс руҳиятининг турли соҳаларига тегишли бўлган тушунчаларда: интеллектуал ва иродавий элементлар сифатида тадқиқ этилади.

Интеллектуал элементнинг таҳлилидан шу кўринадики, у билим хусусиятига эга. Бундан келиб чиқадики, интеллектуал элемент - бу шахс томонидан ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги ёки ижтимоий хавфли оқибатини англаш ҳисобланади. Айбнинг муҳим таркибий қисми бўлган мазкур жараённи қасд ёки эҳтиётсизликнинг интеллектуал элементи, деб номлаш тарқалган. Иродавий элемент эса шахс иродасининг йўналтирилганлигини акс эттиради, бу ўз навбатида шахс фаолиятини муайян бир йўналишга қаратилиши билан бирга у ёки бу хавфсизлик чораларига оид қоидаларни онгли равишда четлаб ўтишда ифодаланади.

Жиноят қонунида назарда тутилган турли хилдаги интеллектуал ва иродавий элементларнинг қўшилиши айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакли ҳамда турларини ҳосил қилади. Шу маънода интеллектуал ва иродавий элементларни айбнинг мазмунини ташкил этувчи асосий белгилар дейиш мумкин. Демак, айбнинг интеллектуал ва иродавий элементлари қўшилишининг турли нисбати уни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 20-моддасида қасд ва эҳтиётсизликка бўлиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, айбнинг қасд шакли тўғри қасд ва эгри қасдга (ЖК 21-модда), эҳтиётсизлик шакли эса ўз-ўзига ишониш ва бепарволикка (ЖК 22-модда) бўлиниши белгиланган. Ғарб давлатлари қонунчилигида эса эҳтиётсизлик айбнинг мустақил шакли сифатида илк бор ўрта асрларда итальян жиноят ҳуқуқи таълимотида шакллантирилган ва у эгри қасднинг тушунчаси маҳсули бўлмиш, шахснинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари оқибатини олдиндан кўра билиши шарт бўлган ва бунга имкони бўлган ҳолатлардаги рухий омилларнинг жараёни бўлиб хизмат қилган¹.

Шунга қарамай, айб юридик маънода фақат қонун чиқарувчи томонидан белгиланган шакл ва турларда мавжуд бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи айбнинг эҳтиётсизлик шаклини икки тури: ўз-ўзига ишониш ва бепарволикни фарқлаб белгилаган. Жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади (ЖК 22-моддаси, иккинчи қисми).

¹ Тяжкова И.М. Неострожные преступления с использованием источников повышенной опасности / Под ред д-ра юридических наук, проф В.С.Комиссарова.-СПб.: "Юридический центр Пресс", 2002. -С.11 // Ўрта асрларда эгри қасд тушунчаси қилмишининг салбий оқибати ўлароқ, уларни олдиндан кўра билиш имкони бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай бадхулқ онгнинг кўриниши деб тушунилан.

В.Ф. Кириченко эса “хуқуқий эҳтиётсизлик”ни эҳтиётсизликнинг алоҳида мустақил кўриниши сифатида ажратиб кўрсатган ва бу фикрни А.С. Никифоров ҳам қўллаб-қувватлаган².

П.С. Дагель ўз асарларида эҳтиётсизликнинг жиноят қонунида мустаҳкамланган кўринишларидан ташқари “хуқуқий эҳтиётсизлик”, “иродавий бепарволик” ва “жиноий лоқайдлик” кабиларни ҳам ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, булар ўз-ўзига ишониш ва бепарволикнинг қонунчиликда мустаҳкамланган чегаралари билан қамраб олинмаган экан³.

Ваҳоланки, эҳтиётсизликни қонунчиликда белгиланганидан бошқа янги турлари бўлиши кераклиги назарияси тарафдорлари ўзларини фикрларини юқоридаги каби турли ҳаётий мисоллар билан асослашга ҳаракат қилмасинлар, улар томонидан эҳтиётсизликнинг алоҳида ажратиб кўрсатилган янги турлари жиноят қонунида белгиланган эҳтиётсизликнинг икки тури мазмуни билан тўлиқ қамраб олинганлигини кўриш мумкин.

Шу сабабли, биз учун А.И. Рарогнинг “Эҳтиётсизликнинг қонунчиликдаги таърифи айбнинг бу кўринишига оид барча турларни қамраб олади ва улар сифат нуқтаи назаридан алоҳида мустақил кўриниш ташкил этмайди”⁴, деган фикри ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асосли кўринмоқда. Эҳтиётсизликни қайд этилган турлари “тўлиғича эҳтиётсизликнинг қонун чиқарувчи томонидан белгиланган таърифига тўғри келади ва сифат нуқтаи назаридан алоҳида мустақил кўриниш эмас”⁵.

Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг муаммолари ҳақидаги фикрларимизни давом эттирар эканмиз, шу ўринда эҳтиётсизликнинг

² Кириченко В.Ф. Значение ошибки по советскому уголовному праву. -М.: 1952. С.28; Никифоров А.С. Основные вопросы уголовной ответственности за преступления, совершенные по небрежности // Ученые записки ВИЮН. Вып. 1. -М.: 1955. С. 173-174

³ Дагель П.С. Проблема вины у советском уголовном праве. Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. -Д.: 1969. С.21-22

⁴ Рарог А. И. Уголовная ответственность за неосторожное сопричинение. // Уголовное право в XXI веке. -М.: ЛексЭст, 2002. С.62

⁵ Ворошилин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления. Учебное пособие. -М.: 1987. С.55-56

жиноят қонунида белгиланган таърифига оид яна бир муҳим муаммоли масала мавжудлиги кўринади. Бу эҳтиётсизлик тушунчасининг берилишида қонун чиқарувчи шахснинг ўзи томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан руҳий муносабатига тўхталмасдан, шахснинг фақатгина ижтимоий хавфли қилмиш оқибатларига нисбатан муносабати билан чекланганлигидир.

Савол туғилади, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этаётган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайдими?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тяжкова И.М. Неострожные преступления с использованием источников повышенной опасности / Под.ред д-ра юридических наук, проф В.С.Комиссарова.-СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2002. -С.11 // Ўрта асрларда эрги қасд тушунчаси қилмишнинг салбий оқибати ўлароқ, уларни олдиндан кўра билиш имкони бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай бадхулқ онгнинг кўриниши деб тушунилан.
2. Кириченко В.Ф. Значение ошибки по советскому уголовному праву. -М.: 1952. С.28; Никифоров А.С. Основные вопросы уголовной ответственности за преступления, совершенные по небрежности // Ученые записки ВИЮН. Вып. 1. -М.: 1955. С. 173-174
3. Дагель П.С. Проблема вины у советском уголовном праве. Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. -Д.: 1969. С.21-22
4. Рарог А. И. Уголовная ответственность за неосторожное сопричинение. // Уголовное право в XXI веке. -М.: ЛексЭст, 2002. С.62
5. Ворошилин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления. Учебное пособие. -М.: 1987. С.55-56